ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 64-65 (196-197) | 2000 йил 6 сентябрь, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

ТАРИХ – ГУВОҲ

Бир тўда жангари унсурлар Ватанимиз сарҳадларини бузиб тинчлигимизга дахл қилишга уринаётирлар. Уларнинг ғаразли мақсадлари халқимизнинг енгилмас иродаси олдида, илло, ҳеч-қачон амалга ошмагай.

Ўзбек шону шавкатин кўриб
Аҳли жаҳон қолмоқдалар лол.
Миллатим ўз давлатин куриб
Яшаётир, таянч - Истиқлол!

Бу иқболни кўриб кўролмай
Қалбинг босиб бахиллик, ҳасад.
Минг уринма, чиранма, абад
Собит тургай ўзбекий сарҳад.

Минг чиранма, тинчимиз ҳеч он
Бузолмассан, ниятинг абас.
Кўкда эркин учган қуш учун
Яна қайта керакми қафас?!

Йўқ! Йўқ! Эркни айлаб ҳимоя
Элтгувчи эл посбонлари бор.
Ўз юртини жонидан севган
Шавкатли, мард ўғлонлари бор.

Сорбони бор. Карвонни йўлдан
Тўхтатолмас ҳеч бир қароқчи.
Кўзларимда порлаган шуъла -
Юрт ишқига кипригим соқчи.

Тарих гувоҳ. Ғилдирак ортга
Бурилмагай қанча қир, довон.
Йўлимизда, биламиз, ҳеч вақт
Бизга минбаъд бўлмагай осон.

Тарих гувоҳ. Йўлимизда ғов
Бўлган ёвни итқитиб нари
Дадил одим ташлайверамиз
Биз барибир фақат илгари.

Ўзбекистон аталмиш диёр
Гуллар яна кўркам, расида.
«Икки дарё ювиб кокилин»*
Тургай дунё харитасида.

Қўллар уни бало-қазодан
Темур руҳи, аждодлар руҳи.
Боболардан улғи юракда
Қайнаб турар миллат шукуҳи...

Амир ХУДОЙБЕРДИ.

*Ҳ.Олимжон сатри.

ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ МАҲБУСЛАР ЙЎҚ

Кейинги пайтларда айрим хорижий оммавий ахборот воситалари ва баъзи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари Ўзбекистонда гўё қандайдир сиёсий маҳбуслар борлиги ҳақида асоссиз хабарлар тарқатмоқда. Чет элдаги айрим журналистлар юртимизга нисбатан амалга оширилаётган террорчилик, диний экстремистик ҳаракатларни нотўғри талқин қилиб, мақолалар эълон қилмоқда. Бу билан улар оммани чалғитишга ва жиноятчиларнинг тегирмонига сув қуйишга уринмоқда.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон Олий суди, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратураси масъул ходимлари оммавий ахборот воситалари вакилларига ушбу масала юзасидан батафсил маълумот берди.

Жумладан, адлия вазири Абдусамад Полвонзода журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон конституциясида ва қонунларида фуқароларнинг виждон эркинлиги таъминланиши аниқ ёзиб қўйилгани, одамларимиз ўзи истаган динга эътиқод қилиши ёки умуман эътиқод қилмаслиги кўрсатилганини таъкидлади.

- Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда атиги саксонга яқин масжид фаолият кўрсатарди, - деди жумладан А.Полвонзода. - Улар ҳам тегишли органларнинг қаттиқ назорати остида эди. Ҳатто раҳбар ходимлар ўз яқинларининг жанозасига бора олмаган пайтлар бўлган. Энди эса мустақил Ўзбекистонда бирор инсон ўз диний эътиқоди учун таъқиб этилаётгани йўқ ва этилмайди ҳам. Мамлакатимиздаги масжидлар сони эса икки мингга яқинлашиб қолган. Насронийларнинг юз элликдан ошиқроқ, шунингдек, бошқа дин вакилларининг ҳам кўплаб ибодатхоналари ишлаб турибди. Шундай экан, диний экстремизм, террорчилик, босқинчилик, одам ўлдириш, мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлашга уриниш каби ҳаракатларни амалга оширгани учун қамалган жиноятчиларни «сиёсий маҳбус» деб гўё «ҳимоя қилиш» қайси мантиққа тўғри келади?

Жаҳоннинг қайси мамлакатини олиб қараманг, конституциявий тузумга даҳл қилиш, бузғунчиликни мақсад қилган ташкилотлар тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки фаолиятида бевосита иштирок этиш қонун томонидан тақиқланади. Дунёвий, демократик жамият қуришдек олий мақсадни кўзлаган Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбекистонда конституциявий тузумни ағдариб ташлаш мақсадида ўзаро тил бириктирган Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний сингари халқаро террорчилар ва уларнинг гумашталари томонидан қилинаётган ишлар жиноят саналмаса, унда нима? Ўтган йилнинг 16 феврал воқеалари халқимизнинг ёдидан ҳали кўтарилгани йўқ. Ўшанда шаҳримизнинг энг гавжум жойларида «автомобил-бомбалар» портлатилган эди. Бу жиноят эмасми? Оддий одамлар ҳаётига қасд қилганлар бу иши учун қамалса, уларни «сиёсий маҳбус» деб аташ тўғри бўладими? Бундай шахслар қонун олдида қилмишларига яраша жавоб бериши керак ва бераяпти ҳам.

ЎзА.

ЖАЗО МУҚАРРАР

Сурхондарёнинг Сариосиё ва Узун туманларидаги хунук воқеалар Қўнғиротликларнинг ҳам нафратини қайнатиб юборди.

Улар - кекса-ю ёш бир ҳовуч ғаламисларнинг хатти-ҳаракатини қораламоқда. Жойларда сергакликни кучайтирмоқда. Бу борада 23 та маҳалларда изчил тадбирлар ўтказаяпти. Чунки туманимиз Қорақалпоғистон ҳудудининг 47 фоизини ташкил қилади. Мамлакатимиз чегаралари бепоён Устюрт саҳроси узра Қозоғистон ва Туркманистон давлатлари чегаралари билан туташиб кетган. Бу чегаралар дахлсизлигини сақлаш эса армия ва ички қўшинлар билан бир қаторда биз фуқароларнинг ҳам муқаддас вазифаси эканлигини ҳар бир қўнғиротлик дил-дилдан ҳис қилади, албатта. Шунга қатъий амал қилади.

Сурхон воҳасига ёмон ният билан кирган шумқадамлар эса шак-шубҳасиз Ватанимиз тупроғидан супириб ташланади. Халқимиз айтганидек: «Кимки ёмонлик қилса ёмонлик топғусидир!»

Холмурод МАДЕНОВ,
Қўнғирот тумани «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси.

ШУ СОННИНГ

2-саҳифасида:

- К.Аденауэр фонди жамоатчиликда йиғилиб қолаётган муаммоларни чуқур ўрганади. Маҳаллалар унга кўмакдош.
- Отанинг ҳар қаричи - боланинг ҳар қадамига тенг.
- Фармон ижроси билан самаралидир.
- Омонхона - омонлик суви маскани.

3-саҳифасида:

- «Кичик қовурдоқ» ҳам, «Катта қовурдоқ» ҳам келинга атаб қилинади. Лекин ундан келиннинг ўзи татиб кўрадими?
- Оқсоқол қандай бўлиши керак?
- Фуқаролик ҳолати актларини қайд этишда талаб қилинадиган ҳужжатлар.
- Эски «ашула»дан эшитасизми?

4-саҳифасида:

- Фитнанинг охири вой, - дейди Фозил қори Собиров.
- Саккиз ўғиллик ота кўчада қолса...
- Ҳикоядан ибрат.

АМНИСТИЯ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқлолнинг тўққиз йиллиги арафасида эълон қилинган амнистия тўғрисидаги Фармонининг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари иштирок этди.

Унда Президент Ислом Каримов имзо чеккан мазкур Фармон давлатимиз юритаётган инсонпарварлик сиёсатининг яна бир намойиши сифатида катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ушбу ҳужжатга кўра, турли жиноятлар содир этган минглаб маҳкумлар озодликка чиқиб, яна осойишта ва эркин ҳаёт қучоғига қайтмоқда. Яна минглаб маҳбусларнинг эса жазо чоралари енгиллаштирилмоқда. Айни кунларда тегишли муассасалар ушбу Фармоннинг бажарилишини таъминлашга қизғин киришган.

Жумладан, Ички ишлар вазирлигида Фармонни ижро этиш бўйича махсус буйруқ чиқарилди.

Фармоннинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун тегишли органлар олдида катта вазифалар турибди. Бу муассасалар амнистия қўлланилиши мумкин бўлган маҳкумлар рўйхатини тузиши ва уларнинг жиноий ишларига доир ҳужжатларни тайёрлаши лозим. Жойлардаги махсус ҳудудий комиссиялар ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилади.

ЎзА.

● ТАШАББУС ЎЛМАСИН, ТАШАББУС

МАҲАЛЛА ФУТБОЛИ – ЯКУНЛАНДИ, МАҲАЛЛА ФУТБОЛИНИНГ КЕЛАЖАГИ БОШЛАНДИ!

Бундай сарлавҳа қўйилишида рамзий маъно эмас, ҳақиқий маъно бор. Зотан, катта анъанавий тадбирнинг бошланишидир. Бугунги маҳалла ёш футболчилари эртага келиб республикамиз шаънини ҳимоя қилувчи машҳур спортчиларга айланишига улардаги бугунги ғайрат-шижоат кафолатдир. Бу мусобақанинг дастлабки самараси ҳам шудир.

Куни кеча Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувида мазкур мусобақанинг дастлабки йил якунлари борасида бўлиб ўтган йиғилишда ана шундай илҳомбахш сўзлар ҳеч тортинмасдан ифода этилди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати Шуҳрат Жалилов йиғилганлар - республикамиз спорти ва футболи мутасаддилари, «Маҳалла» жамғармаси фаоллари ҳамда республика телевидениеси «Ёшлар» канали «Давр» бош таҳририяти ходимлари олдида бу ҳақда сўзлар экан, бугунги якуний хулосалар эртанги режаларга пойдевор бўлиши кераклигини алоҳида уқтирди.

Шунингдек, ушбу мусобақада ўн мингдан зиёдроқ фарзандларимиз қатнашган экан, нега уларнинг сони бундан яна ўн карра, юз карра ортмаслиги керак? Нега бизнинг ўзимизга хос маҳалла тизими ўз болалар жамоалари билан Франция, Бразилия, Норвегия каби мамлакатларда ўтказилаётган халқаро болалар турнирларида қатнашмаслиги керак? Мен албатта, бундай мусобақаларда бизнинг маҳалла болалари иштирок этиши тарафдориман ва бунинг учун астойдил ҳаракат қилишимиз керак деб ўйлайман, дея сўзини якунлади нотиқ.

Тошкент шаҳар А.Икромов тумани Оқ мачит маҳалласи жамоаси бу мусобақа тарихида илк ғолиб сифатида қолади

Ҳа, мусобақалар муваффақиятли якунланди, айни пайтда бу тадбир ташкилий томондан баъзи бир эътиборга молик томонларни ҳам ошкор этди. Масалан, бу мусобақалар Тошкент шаҳрида маълум даражада оммавий тус олди. Аммо республикамизнинг бошқа кўпгина вилоятларида бу даражадаги оммавийлик сезилмади. Минглаб фарзандларимиз футбол ўйнаш орзусида қолаверишди. Шундан келиб чиқиб, олдимизда кўплаб вазифалар туради. Жумладан, маҳалла болалари футболи гуруҳларини фақатгина ўн тўрт ёшгача эмас, бир неча ёшли гуруҳлардан иборат қилиб тузиш тақазо этилади. Шундагина биз бундан кўра кўпроқ фарзандларимизни футбол машғулотига жалб эта оламиз. Бу мақсадда ҳатто шу йиғинда футбол Академияси ташкил қилиш, зарур бўлса, маҳалла болалари футболи учун махсус жамғармалар таъсис этиш таклифлари ҳам бўлди. Хуллас, маҳалла ўзи учун энг масъулиятли, айни дамда энг манзур яна бир вазифани кашф этди. Бу маҳалладан олам футболини забт эта оладиган футбол юлдузларини кашф этиш орзусидаги мароқли ташвишлардир.

САЛОМ, МАКТАБ!

Сентябр келиши билан юртимизда қўшалоқ байрам бошланди - бири Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни бўлса, кейингиси бутун мамлакат бўйлаб ўқув машғулотларининг бошланишидир. Уч ойлик ҳордиқдан кейин фарзандларимиз жонажон мактабларга қайтдилар. Мактаб уларни доимо масъулият юкини ҳис қилиб туришга, келажак олдида бурчли эканликларига даъват этиб туради.

Биринчи дарсинг сенга омад келтирсин, болажон.

● МАҲАЛЛА МУАММОСИ: У ҚАНДАЙ ЕЧИМ ТОПАЯПТИ?

Сурхондарё

ТОРТИШИБ ЕЧИМГА КЕЛОЛМАЁТГАНЛАР

Агар шу кунларда Сурхондарёга келсангиз, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Тиловмурод Мустафоқулов ва аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизими, Термиз шаҳар санитария тозалаш корхонаси, шаҳар «Сувоқава» ишлаб чиқариш корхонаси, вилоят газлаштириш ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарияти, мутахассисларининг масала талашиб турганликлари устидан чиқасиз.

Жамғарма раиси Т.Мустафоқулов шундай дейди:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармонида шундай дейилган: «...фойдаланиш сарф-харажатлари ва коммунал хизматлар учун тўловларнинг белгиланган тушумлари 100 фоиз таъминланган тақдирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ана шу тушумлар суммасининг 20 фоизи ажратилсин: тушумларнинг 75 фоиздан кўпроғи таъминланганда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тушумлар суммасининг 10 фоизи ажратилсин». Лекин мен қанчалик тушунтиришга уринмайин, тегишли ташкилот, корхоналар раҳбарлари ўзларини нуқул ғўлликка соладилар.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдукарим Худойназаров рўпарасидан чиқиб қолсангиз бўлди, фиғони фалакка ўрлайди:

- 2000 йил январ-апрел ойларига белгиланган 734,6 миллион сўмлик коммунал хизматлар режаси 225,6 миллион сўм қилиб бажарилди. Режа 30,8 фоизни ташкил қилди. Вилоят газлаштириш идорасининг шу йил 1 майга қадар бўлган дебиторлик қарзи 515 миллион сўмни, кредиторлик қарзи эса 648,7 миллион сўмни ташкил қилди. Бундан ташқари тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзи 235,2 миллион сўмга етди. Шунингдек вилоят «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармасига ҳам аҳоли анча қарздор. 361 та маҳалла билан коммунал хизматлар учун тушумни тўлиқ таъминлаш борасида шартномалар тузилган. 27 та маҳалла режани 75 фоиздан ошириб бажарган. Уларга 586 минг сўм ўтказиб беришимиз керак эди. 424 минг сўм ўтказдик.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Тиловмурод Мустафоқулов нимаики дарди бўлса, Абдукарим Худойназаровга айтади:

- Шу йилнинг дастлабки тўрт ойида вилоят бўйича санитария тозалаш хизматлари учун маҳаллалар томонидан 1 миллион 776 минг сўм тўпланган. Маҳаллаларимизга 355 минг сўм пул ўтказиб беришларингиз керак эди.

А.Худойназаров ҳам кўзи пишиб кетганлардан экан, тап тортмайди:

- Аслида режа бажарилган эмас, 75 фоиз ҳам бўлгани йўқ.

Шу мунозаранинг устига вилоят газлаштириш ишлаб чиқариш корхонаси газ сотиш бўлими бошлиғи Бозор Зоиров кириб келди.

- Денов маҳаллалари газ учун тўрт ойлик режани бажаришибди. Уларнинг ҳисобига тегишли пулини ўтказиб беришларингиз керак, - дейди Тиловмурод ака.

- Тўғри, маҳаллалар газ тўловини бажаришган, лекин маҳаллаларга бир сўм ўтказиб беролмаймиз, - дейди Бозор Омонович, - чунки уларнинг олдиндан қарзи бор.

- Биродар, фармон, шартнома қаерда қолади? - бўш келмайди Тиловмурод ака.

Хуллас, ишлар билан қизиққан киши рақамларнинг тубсиз ва мавҳум қудуғига тушиб қолгандек сезади ўзини. Ҳамма нарса мавҳум ва ноаён. Чамаси, ана шу мавҳумликлар, номаълум иш юритишлар сабабидан аввалги бошлиқ ишдан олинган.

«Маҳалла» жамғармаси бўлими раиси Т.Мустафоқулов қанча елиб-югурмасин, тортишмасин барибир, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасидагиларга бирон нарсани уқтиролганича йўқ. Ўз навбатида у ердагилар ҳам жамғарма раисини тушунишни истамайди.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82,

Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

КОНРАД АДЕНАУЭР ВА МАҲАЛЛА. ФАРЗАНД УЧУН ОТА МАСЪУЛ. МУШТАРИЙ ОЧИҚ ЁЗИБДИ.

2000 йил 6 сентябрь
№ 64-65 (196-197)

● МАҲАЛЛА ХАЛҚАРО ҲАЁТ КЎЗГУСИДА

ҲАЛИ ШУНДАЙ КУНЛАР КЕЛАДИ...

2000 йилнинг дастлабки ойларида К.Аденауэр фонди ҳамда республика «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви, ҳокимиятлар иштирокида «Номарказлашув - маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг негизи. Уларнинг Ўзбекистон қишлоқларида ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги роли. Ҳуқуқий, иқтисодий томонлари ва уларнинг ОАВда ёритилиши» мавзусида 3 босқичли семинарлар ўтказа бошлади. Семинарларнинг биринчи босқичи вилоят марказларида, иккинчи босқичи туманларда ва охиргиси пойтахт шаҳарда ўтказилиши кўзда тутилган.

Ушбу йиғин-анжуманларнинг биринчи босқичи якунланди. Униг иккинчи жараёнини бошлаш мақсадида республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Ш.Жалилов ҳамда К.Аденауэр фондининг минтақамиздги ваколатхонаси раҳбари В.Шрайбер навбатдаги вазифаларни белгилаб олиш учун учрашдилар.

Маҳалла азалдан ўзбеклар истиқоматчилигида жамоатчилик фикри шаклланадиган, аҳоли хоҳиш-иродаси адолатли тарзда таъминланадиган маскан ҳисобланган. Маҳаллаларга берилаётган бугунги эътибор ва ваколатлардан хабардор бўлган Германиянинг Конрад Аденауэр фонди жамиятни демократлаштириш ишида айнан маҳаллалар билан ҳамкорлик ўрнатишни лозим топгани ҳам қувончли ҳолдир.

- Авваламбор семинар иштирокчиси сифатида айтмоқчи эдимки, бу тадбирлар ўз ичига жуда катта ижтимоий қатлам - оқсоқоллар, маҳалла хотин-қизлар комиссиялари, сиёсатшунослар, тадбиркор ва банк, солиқ соҳаси мутахассислари, журналистлар, Омбудсман вакилларини қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир, - дейди журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази директори Гулнора Бобожонова.

2000 йилнинг августидан К.Аденауэр фонди семинарларнинг иккинчи босқичини ўтказиш учун яна сафарга отланди. Бу сафарги манзил юртимизнинг ям-яшил гўшаси Фарғонанинг Водил тумани чекига тушди. Анжуман ҳар доимгидек қизғин мунозаралар ва муаммолар «очилдастурхони»га айланиб кетди. Семинарнинг ташкилий ишларига бош-қош бўлган туман ҳокими муовини Ахтам Исаев ҳам бевосита иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. Хусусан тадбиркорлар микрокредит олишда устама фоизлари 28-33 фоиздан юқори белгиланганини, маҳалла фуқаролар йиғини раислари иқтисодий мустақил эмасликларини, идораларда ҳуқуқшунос ва ҳисобчи штатлари очилиши лозимлигини таъкидладилар.

Наманган шаҳрида ўтказилган анжуманимизда эса бир аёл сўзга чиқиб, кийимларни кимёвий тозалаш корхонасини очмоқчи эканлигини, аммо кичик кредит олишда жуда кўп тўғаноққа дучор бўлаётганини таъкидлаган эди, семинар ишида қатнашаётган Наманган вилоят ҳокими ўринбосари Аҳмаджон Луқмонов бу масалани шахсан ўзи ҳал этиб беришини аёлга ваъда берди. Бу худди омадли тадбиркорнинг «тилла балиқча» тутиб олганидек гап бўлди - чунки кичик корхона очмоқ ниятидаги аёлнинг микрокредит борасидаги муаммоси кўп ўтмай ҳал бўлди - уни қўллаб-қувватлаб 1 миллион сўм кредит ажратишди. Шу ҳолатдан ҳам кўриниб турибдики, халқимизда хусусий тадбиркорликка интилиш катта, қолаверса, маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳам бу ташаббусларни ҳимоялашга тайёрлар. Фақат муаммолар ораликдаги «бюрократ эшик»ларида муаммога дуч келаётир. Косонсойдаги сочиқ, гилам ва шолча ишлаб чиқарувчи корхонада ўнлаб маҳаллий аҳоли иш билан таъминланган. Узлуксиз 7,5-8 минг сўмдан ойлик маош олишади. Бу қувончли ҳол. Бироқ бу даргоҳларда ускуналар эски замондан қолган шовқин-суронли ускуналар эканлиги кишини ранжитади. Гарчанд қулоққа тақиладиган махсус мосламалар бор бўлса-да, аёллар уни тақишмаганлиги бизни ранжитди. Ҳайтовур, бу маҳалладаги тадбиркорликнинг илк кўринишлари, ҳали бу ҳудудларга ҳорижнинг замонавий ускуналари келтирилиши ҳам ҳақиқатдан йироқ эмас.

Семинарларимизнинг яна бир иштирокчилари бу маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, журналистлар ҳисобланади. Анжуманларимиз давомида маълум бўлмоқдаки, ҳали кўп мухбирларимиз ҳам маҳалла ҳаётига изчил кириб улгурмаганлар. Жойлардаги мавжуд муаммоларни бор-йўғи сиртдан, юзаки билишади. Бевосита халқ иштирокида ўтказилаётган юқоридаги семинарларимиз эса халқ ҳаётига хайрихоҳ бўлиш учун чақирилган журналистларни ҳам озгина зийрак, озгина синчков ва малакали бўлишликка ундамоқда. Алалхусус, жамоатчилик ўзини ўзи бошқарув йўлига тўлиқ ўтганида эса ижтимоий адолат ҳам тикланади, Юртбошимиз орзу қилган кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш жараёни ҳам тезлашади.

Абдулла МАМАЖОНОВ,
Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази семинар раҳбари.

ГАЗЕТХОН ФИКРИ ТАҲРИРСИЗ БОСИЛГАНДА

Qayerdan: 700015 Тошкент шаҳри-15
(Откуда) Айбосиёб кўчаси, 12-уй, 97-квартира
Тожиматов Ҳусанбой

Ассалому алайкум, ҳурмати газета ижодкорлари!

Илоё кўз тегмасин-у, гапнинг пўст калласини айтсам, "Маҳалла" жуда ўқимишли бўлиб бораяпти. Мавзулари ҳам ранг-баранг, халқимиз дидига мос, кўпчиликнинг кўнглидаги фикрлар, хабарлар, янгиликлар кўпайиб бормоқда. Ундан муштарийларнинг қизиқтирган барча саволлар жавоб топса бўлади. Айниқса, менга 2000 йил 2 август, чоршанба куни сонида эълон қилинган "Ватанни севишни билайлик" сарлавҳали мақола жуда-жуда ёқди. Уни ўқиб, тўлқинланиб, ҳатто кўзларимдан ёш қалқди.

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек айрим юртдошларимиз она Ватанимизнинг қадрига ҳар доим ҳам етавермайдилар. Ана шундайлар юқоридаги каби мақолаларни ўқиб қўйишса, фойдадан холи бўлмайди. Уларда ўз Ватани, юрти, халқи, мустақилликнинг қадрига етиш туйғулари янада фаоллашади, деб ўйлайман. Ахир Ватан туйғусидан ҳам муқаддас туйғу борми, дунёда? Ватан ота-боболаримиз қалбида қадим-қадимдан масъулият ҳиссини шакллантириб келган. Шу сабаб истардимки, ана шу каби мақолалар кўпроқ бериб борилса... Яна истардимки, айрим маҳаллаларда юз бераётган камчиликлар ҳақида ҳам танқидий материаллар берилса, янада яхшироқ бўларди. Чунки ҳамма маҳаллаларда ҳам иш бир текис кетаётгани йўқдир. Шунинг учун мақтовлар билан биргаликда айрим камчилик ва нуқсонлар ҳақида ҳам хабарлар бериб бормоқ лозим деб ўйлайман. Маҳаллалар ҳаётига оид кулгили, ҳажвий нарсалар ҳам кўпроқ эълон қилинса, газетанинг ўқимишлилиги яна ортарди.

Газета ходимларининг ижодий ишларига чексиз омад ва муваффақиятлар тилаб, салом ва ҳурмат ила Ҳусанбой Тожиматов.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети катта ўқитувчиси.

2000 йил 8 август.

Кавсар ТУРДИЕВА

МАҲАЛЛАМИЗ КЎЧАЛАРИ

БАҲОР КЎЧАСИ

Билолмадим кўчамда
Баҳор қачон бошланди?
Бирдан зумрад поёндоз
Далаларга ташланди.
Ҳеч чарчамай ишлади
Унинг чаққон қўллари.
Бир кечада гиламга
Чатиб чиқди гулларни.
Қалин. совуқ музларни
Эритолди ийдириб.
Сўнгра ҳар бир дарахтга
Чиқди чопон кийдириб.

ШАХМАТ КЎЧАСИ

Ҳар қадам битта савол,
Йўлларим шахматмисол.
Сайқал топади ақл
Шундан бизда йўқ бахил.
Қизларда эса ҳавас
Киймоқлик шахмататлас.
Шахмат шаклли эшик,
Устуну ҳатто бешик.
Чақалоқ киргач йўлга,
Фарзинни олиб қўлга.
Сўнгра эса миниб от
Дейди: Шохни қилгум мот.

ТАБРИК КЎЧАСИ

Табрик сўзи аслида
Шу кўчадан олинган,
Кейин табрик хатлари
Дунё бўйлаб ёйилган.
Ҳар кун табрик ёзамиз
Ётмас қоғоз, дафтарлар.
Қалб сўзларин барчага
Элтар оппоқ қанотлар.

ФАЗО КЎЧАСИ

Ҳамманинг ақли расо
Қўлимизда ер, фазо.
Яна ҳамма шерюрак -
Фазогир бўлса керак.
Бу тақсимас нимадир
Ахир космик кемадир.
Не дейман, сизга яна
Ҳар бир уй - расадхона.

ПИЛЛА КЎЧАСИ

Қуримайди силламиз
Кўп олсак-да пилламиз.
Бир, икки, уч, ўн қути
Қутиларнинг йўқ чўти.
Ҳаммаёқ кумуш тола,
Ҳар фаслда, ҳар палла.
Уйларда парда, тўшак
Бариси атлас, ипак.
Кўчалар қилар ҳавас
Ҳамма кияди атлас.

● СОҒЛОМ АВЛОД ТАШВИШИ

ОТА ВА ФАРЗАНД...

Ҳар бир камол топаётган фарзанд илк тарбияни оилада, маҳаллада, мактаб ва жамоат муҳитида олади. Бу аниқ. Лекин тарбиянинг илк сабоқларини, истаймизми, йўқми, бола ўз отасидан олади. Шу маънода оталарни жамиятнинг мураббийлари деса бўлади.

Айниқса, тўғрилик ва ҳалоллик тарбиясини ўғиллар юрагига жо этган оталар кейинчалик афсус қилмайдилар, аксинча ибратли тарбиянинг самарасидан баҳраманд бўладилар. Билъакс, ота тарбияда хато кетса-чи, фарзандларига ҳалолликдан етарлича сабоқ беролмаса-чи? Мухтор Турсунов ана шундай оталардан бўлиб чиқди. Қўқондаги Муқимий шаҳарчаси, 50-уйнинг 15-хонадонида яшовчи бу шахс вояга етмаган ўсмирларнинг (булардан бири унинг ўғли) ўғирлик қилганликларини билиб туриб, у бу ўғирлик молларни бозорга олиб чиқиб сотган...

Воқеа мана бундай бўлган эди: 1998 йилнинг 10 октябр куни икки йигитча - Собир Раҳимов ва Мирзажон Турсуновлар Боғи Раҳмат кўчасининг 12-хонадонида яшовчи Эркин Сулаймоновларникига ўғирликка киришади ва нархи 1000 сўмдан бўлган 8 дона товуқни яширинча олиб чиқиб кетишади. Ўғли Мирзажон ва унинг ўртоғи Собирларнинг олиб кетган товуқлари ўғирлик нарса эканини билган Мухтор Турсунов болаларга ҳеч нарса демайди ва 7 та товуқни Бувайда бозорига олиб чиқиб сотади. Дастлаб Мухтор Турсунов ўз айбларини тан олмайди, жиноий жавобгарликдан чўчиб яшаш жойини ўзгартиради. Лекин, қидирув органлари ходимлари томонидан топилиб, тергов пайтида ўсмирлар билан юзлаштирилганда ўз айбига иқрор бўлади. Ҳатто бу ношуд ота болаларни товуқ ўғирлашга боришга ундаган бўлиб чиқади!

Муҳтарам ўқувчиларимиз «Катта ўғирликлар турганда бир нечта товуқни ўмариш гап бўптими?» дейишлари мумкин. Лекин, унутмаслик керакки, хато йўл сари қўйилган биринчи қадам кейинги хатолар учун имкон яратади. Ана шу биргина қадамнинг олди олинса-чи? У ҳолда хато такрорланмайди, аксинча у бир умрлик сабоқ вазифасини ўтайди. Айбдор ота ўз фарзандига қўшиб яна бошқа ўсмирни ҳам ўғирликка бошлаган, очиғини айтганда катта хатонинг юз бериши учун ўзи имкон туғдирган! Оқибатда, ҳали балоғатга етмаган икки йигитчанинг гулдек умри бевақт хазон бўлди, нораста ёшида суд курсисига ўтиришди. Жиноятчи, ўғри деган тавқи лаънат уларнинг ҳаёт дафтарига қора доғ бўлиб ёзилди. Айбдорлар жазо муддатини ўтаб, яна ҳаёт қучоғига қайтадилар. Аммо, уларнинг кейинги ҳаётлари қай тарзда кечаркин? Мустақил ҳаёт бошлаш арафасида турган ўсмирлар қамоқхонада ўз тақдирларини изга сола олармикинлар? Ота-чи? Виждон азоби унга тинчлик берармикин бундан кейин? Ахир у ўз вақтида болаларни нопок йўлдан қайтарганида балки иш яхшиликка томон бурилиб кетармиди... Сиз нима дейсиз азиз муштарий?

Абдуғани АШУРОВ,
Фарғона вилояти Учқўприк тумани прокурори ёрдамчиси.

МАҲАЛЛАНИНГ ДАСТГОҲИ



Касаначилик меҳнати қадимдан асосан маҳаллаларда, аҳоли хонадонларида кенг ривож топган. Бу фаолият биринчидан кишиларни иш билан банд этган бўлса, бошқа жиҳатдан унинг ёшлар, келажак авлод олдидаги тарбиявий аҳамияти ҳам салмоқли бўлган.

«БОҒИ ЭРАМ»ДА БАЙРАМ МУШОИРАСИ

Мустақиллик байрамининг 9 йиллиги муносабати билан Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида жойлашган «Боғи эрам» оромгоҳида Оқибат маҳалласи аҳолиси учун мушоира бўлиб ўтди.

Ушбу анжуманда Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоирлари М.Юсуф, Ж.Жабборов, О.Ҳожиева ва бошқа кўплаб адиблар ва санъаткорлар қатнашдилар. Ижодкорлар мустақиллигимиз, озодлигимиз ҳақида жўшқин шеърлар ўқиб ҳамда сўзлаб, уни ҳар қандай ғаламис қора ниятли унсурлардан ҳимоя қилиш лозимлигини уқтириб, жамоатчиликни ҳушёрликка даъват этдилар.

Омонулла ШАРИПОВ,
Оқибат маҳалла оқсоқоли.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА

Маълумотларга кўра, Қирғизистон ҳукумати мамлакатнинг жанубий қисмига суқилиб кирган халқаро террорчиларни йўқ қилиш учун 2,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаган. Бу харажатларнинг асосий қисми жанубга қўшимча ҳарбий куч сафарбар этишга кетган. Умуман олганда, ҳукумат томонидан қуролли кучларни молиялаштириш учун 9,2 миллион доллар ажратиш кўзда тутилган эди.

***

Тожикистон Ислом тикланиш партияси раҳбарияти, ҳукумат Дарбанд туманида жанговар ҳаракатларни тўхтатиб, муаммони сиёсий йўл билан ҳал этиши лозим, деган фикрни билдирмоқда.

Айни пайтда ҳукумат қўшинлари бўлинмалари мамлакатнинг шарқий қисмида мулла Абдуллага қарашли қуролли гуруҳларни қуролсизлантириш ва йўқ қилиш ишларини поёнига етказишга ҳаракат қилмоқда. Маълумки, мулла Абдулла ва унинг жангарилари мамлакатдаги фуқаролар уруши даврида Бирлашган тожик мухолифати таркибида жанг қилган эди.

***

Қирғизистон жанубига ўрнашиб олган халқаро террорчилар гуруҳи яқин кунларда стратегик йўналишни ўзгартириши ва республика ичкарисига кириш учун жиддий ҳаракат бошлаши мумкин, деди мамлакат мудофаа вазири ўринбосари Нуриддин Чомоев депутатлар билан суҳбатда. Унинг айтишича, жангарилар октябр ойи охири ва ноябр ойининг бошларигача Қирғизистон ичкарисига киришга ҳаракат қилиши кутилмоқда. Чунки, бу вақтдан кейин Қирғизистон-Тожикистон чегарасидаги довонлардан ўтишнинг умуман иложи қолмайди.

***

Қирғизистон жанубидаги автомобил йўлларида Ички ишлар вазирлигининг йигирма еттита қўшимча назорат масканлари очилди. Бу ерда хизмат қилаётганларнинг асосий вазифаси жангариларнинг республика ичкарисига кириб олишига йўл қўймаслик, қурол-яроғ ва гиёҳвандлик моддаларини тутиб қолишдан иборат.

***

Қозоғистонда «Карабас-Қараганда» темир йўлининг етти юз қирқ еттинчи километрида кўмир ортилган учта вагон релсдан чиқиб кетди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳалокатга ғилдираклардаги носозлик сабаб бўлган. Ҳалок бўлганлар йўқ.

ЎзА.

Сурхондарё

Бойсундаги «Ҳошимжон» фирмасининг таърифини келтиришга ҳожат йўқ - қайноқ саратонда муздек сув тутиб турганга нима ҳам айтиш мумкин эди...

ОМОНХОНА — МАҲҲАМХОНА

Фирманинг фаолияти билан танишиш мақсадида унинг раҳбари Хурсанд Каримов билан учрашмоқликни ният қилиб йўлга тушдик. Қиякамардан ўтдик. Атрофга назар соламан. Яланғоч далалар, туяўркач, қир-адирликлар ястаниб ётибди. Ҳаво иссиқ, дим. Узоқ-узоқлардан жимирлаб сароб кўзга ташланади. Қилт этган шамол эсмайди. Замин ҳансирайди. Жонзот борки, ўзини сояга тортади. Мунда тўрғайлар ҳам пир этиб у ёқдан бу ёққа учиб ўтади. Омонхонага етгач, мўъжиза юз бергандек ўзгача манзарага дуч келдик. Тоза тошлардан табиий ҳолда ҳосил бўлган «айвонлар» ости соя, салқин. Сой бўйлаб эсаётган майингина шабада қизиган қалбларга ҳузур бағишлайди. Пешонадан оқиб, юзларни сизиб ўтаётган тер бир пасда тинди. Бу ерда одамлар бисёр.

- Омонхона сувининг тарихи узоқ-узоқларга бориб етган, машҳур бўлган, - дейди биз билан суҳбатда сиҳатгоҳ бош ҳакими Н.Худойқулов. - Унинг таркибида микроэлементлар - ошқозон-ичак, жигар хасталикларига жуда ҳам даво. Қандли диабед билан оғриган беморлар ҳам шу сувдан шифо топаётирлар, асабни ҳам тинчлантиради, иштаҳани очади. Буларнинг ҳаммаси ўтказилган узоқ йиллик илмий текширишлар, тажрибалардан маълум. Шу боисдан ҳам бу ерга ихлос билан келаётган хаста кишиларнинг оқими тўхтамайди.

Аҳолига улкан манфаат келтириши, қолаверса, тадбиркорлик ишида самарадор лойиҳа бўлишини аввалдан сезган Х.Каримов Бойсуннинг чекка қишлоғи - Омонхонада ўз фирмасини бунёд этди. Она замин қаъридан, метиндек тошлар қаватидан сизиб чиқаётган шифобахш зилол сувнинг мўъжизакор кучидан минглаб кишилар баҳраманд бўлмоқда. Корхонага Франциянинг СТЕКО фирмаси ускуналари ўрнатилди. Бу катта қулайликларга эга. Қишлоқ йигитларидан 12 нафари ишга жалб этилди. Улар ускуналарни ишлатиш жараёнларини зудликда ўзлаштириб олдилар. Биз Х.Каримов билан тонгдан шомгача қўли-қўлига тегмай чет эл ускуналарини эпчил бошқараётган йигитлар ишини кўздан кечирамиз. Булар: механик Саъдулло Мирзаев, операторлар Мирзо Чўтбоев, Жўрабек Қаҳҳоров, Шуҳрат Ибодуллаев, Жума Раҳимов ва бошқалар. Улар ғавҳар сувдан бир ярим литрлик полиэтилен идишларга қадоқлаб, кунига 3 минг дона тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказмоқдалар.

Омонхона беназир маскан. Уни кўркам, обод манзилга айлантириш Х.Каримовнинг эзгу нияти. Шу мақсадда бу ерда қурилиш бригадаси тузилди. Ҳозирда бу ерда аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратадиган алоҳида-алоҳида бинолар, сиҳатгоҳ ва ётоқхоналар қурилиши, йўловчиларга хизмат кўрсатадиган автойўллар барпо этилиши лойиҳалаштирилди.

- Чет эл сафарларида жуда кўп бўлганман, - дейди Х.Каримов. - Германия, Англия, Шотландия, Дания, Финландия давлатларидаги хусусий корхоналарнинг иши билан танишганимда уларга жуда кўп ҳавас қилган эдим. Оллоҳга шукурки, мустақиллик туфайли бундай бунёдкорлик ишларини бизда ҳам амалга ошириш имконияти туғилди.

Хурсанд Каримов ҳимматли одам. Бағри кенг, қўли очиқ. Бойсундаги вилоят меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиларига доимо хайрихоҳ. Омонхона қишлоғидаги 29-сонли мактабни таъмирлашга 150 минг сўм ёрдам кўрсатди. Термиздаги Гулистон маҳалласига юз метрлик сув қувурлари етказиб берди. Шаҳардаги Бурчмулла масжидининг ободончилигига ҳисса қўшиб 150 минг сўмлик насос олиб берди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ун, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бераяпти.

Ёшлар учун Мунтай бокс секциясини йўлга қўйди. 47 навқирон йигит секция аъзолари. Жамоанинг икки аъзоси бокс бўйича ўтказиладиган республика чемпионатига йўлланма ҳам олишган. Хурсанд ака суҳбатимиз давомида ҳужжатлар тахлами орасидан бир варақ олиб менга узатди, унга кўз югуртирдим. Йигирма кишининг исм-шарифи битилган. Маълум бўлишича булар табаррук ёшдаги отахонлар бўлиб, уларни республикамизнинг муборак қадамжоларини зиёрат қилдиришга тадбиркор бел боғлабди. Бу албатта хайрли иш.

Омон ШУКУР,
«Mahalla» мухбири.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

СПИД НЕГА АФРИКАДА АВЖ ОЛМОҚДА

Куни кеча Буркина-Фасо пойтахти Уагадугуда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Африка минтақаси бўйича қўмитасининг 50-конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция якунида қабул қилинган баёнотда таъкидланишича, Африка давлатлари биринчи навбатда соғлиқни сақлаш соҳасида узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқиши, керакли барча захираларни бир жойга тўплаши ва «XX аср вабоси»га қарши курашда яқин ҳамкорликда ишлаши зарур. Акс ҳолда, СПИД бутун минтақани қамраб олади.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари ривожланган давлатларни Африка мамлакатларининг қарзини босқичма-босқич камайтиришга чақирди. Қарзни тўлаш учун ажратиладиган маблағ эса минтақада СПИД профилактикаси бўйича дастурни амалга оширишга ва бошқа юқумли касалликлар, жумладан, безгакнинг олдини олишга сарфланиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Африкада СПИДга қарши кураш борасида тез-тез халқаро ва минтақавий анжуманлар ўтказилиб турибди. Бу бежиз эмас. Африка СПИДга чалинган ёки унинг қурбони бўлганлар сони бўйича дунёда энг юқори ўринда туради. БМТ маълумотига кўра, 1981 йилдан буён «XX аср вабоси» туфайли 18,8 миллион киши ҳаётдан кўз юмган. Шундан 11 миллиондан зиёди Африка мамлакатларига тўғри келади. Кейинги йилларда минтақада кунига 5 мингдан зиёд одам айнан СПИД туфайли ҳаётдан кўз юммоқда.

Шу ўринда, СПИД нима учун айнан Африкада авж олмоқда, деган савол туғилиши табиий. Бунга биринчи навбатда минтақанинг талай давлатларидаги қуролли можаролар, қочқинлар сонининг ошиб бориши ва бошқа муаммолар боис фуқароларнинг қонунларга риоя қилиши йўқолиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, минтақа мамлакатларининг иқтисоди оғир аҳволга тушиб қолган, ташқи қарзи эса қарийб 250 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Айни пайтда Африкада 22,5 миллион киши СПИДга чалинган бўлиб, шундан 1 миллиони болалардир. Айниқса, минтақанинг жануби ва шарқидаги мамлакатлар аҳолиси СПИДдан кўп жабр кўрмоқда. Маълумотларга кўра, Ботсвана, Намибия, Свазиленд ва Зимбабведа 15-49 ёшлардаги аҳолининг ўртача 20-26 фоизи СПИДга чалинган. Айтиш керакки, бу ёшдагилар асосий меҳнат воситаси ҳисобланади.

Баъзи маълумотларга таяниб, шуни қўшиб қўйиш мумкинки, Африка мамлакатларининг айримларида фоҳишабозлик одатий ҳолга айлангани ҳам СПИДнинг қулоч ёзишига ёрдам беряпти. Ҳатто мансабдорлар ҳам бу одатдан мустасно эмас. Масалан, сўнгги беш йил ичида Малави парламентининг 29 нафар депутати ОИТСга учраб, оламдан ўтди.

Умуман, Африка «XX аср вабоси»нинг хуружи туфайли анча ачинарли ҳолда қолган. Айни пайтда уни жиловлаш учун Африка мамлакатлари ҳукуматлари томонидан биргаликда самарали чора-тадбирлар кўриш талаб этилади. Акс ҳолда, қитъа мамлакатларида жамият тараққиёти ўнглаб бўлмас ҳалокатга учрайди.

Алишер ХАСАНОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

● СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

«КИЧИК ҚОВУРДОҚ», «КАТТА ҚОВУРДОҚ». БУ ҚАНДАЙ ТАДБИР?

- Вой овсинжон-эй, эсон-омонмисиз? Шу десангиз жиянимнинг кўзи ёрувди, шу келишда «қовурдоқ»дан келаяпман. Ирим-сиримларимиз ҳам бор бўлсин-да, шу жазирамада одамга лозиманда ёқарканми? Опамга ҳеч бўлмаса уч-тўрт кун ўтсин, она-бола ўзига келсин, намунча ховлиқиб касалхонадан чиқадиган кунига тумонат одамни меҳмонга олиб бормасангиз, десам, қизимни ҳеч уринтирмайман, бир кунлик йиғин ўтади-кетади, дедилар.

Ойда-йилда келадиган амма-холалар келадию, келин деган бемалол ўтирарканми. Жоним ачиб, ҳаммадан кейин қолдим, ҳарна қарашганим девдим-да. Келаётганимда жияним бечоранинг ранги ўчиб турувди. Янги бўшанган, уриндириб қўймадикмикан, деган хавотирга тушиб турибман.

- Вой, айланай, бунча ваҳима қиласиз. Биз ҳам шундай бўлганмиз, ҳеч нима қилмайди. Опангиз тўғри қилибдилар, қудачилик бўлгандан кейин олди-бердиларни иссиғида қилган маъқул. Мана, яхтак чойдан ичинг, ҳовурингиз босилади.

- Гапларингиздан баттар ҳовурим кўтарилиб кетди. Қани ўзингиз айтинг-чи, шу «қовурдоқ» деганлари қаердан келиб чиққан?

- Ҳа энди, қадимгилардан қолган одатда, улар ҳам бир яхши нарсани ўйлаб шундай қилишгандир ахир?

- Қадимги одатларга ҳеч алоқаси йўқ бунинг. Буни ҳатто маросим ҳам деб бўлмайди. Аслида қадимда янги туғилган чақалоқни ҳам, онасини ҳам чиллада сақлаб тўғри қилишган. Бегона назардан асрашган. Қовурдоқни қувват, мадор бўлсин деган мақсадда чақалоқнинг онасига едиришган. Никоҳнинг эртасига қизникидан қовурдоқ келиши ҳам бежиз эмас, келин-кўёвга қувват бўлсин деб, шундай қилишган. Шу одатни ҳам бузиб қовурдоқни чарларда юзлаб хотинларга тортяпмиз. Ўзимча, шу «олди-берди»ларнинг кўпини ортиқча деб қўйдим...

- Ҳай, яхши ният қилинг, айланай. Ҳаммамизни шундай кунларга етказсин, денг ундан кўра. Опангиз бу «қовурдоқ» билан қутулмайдилар, бугунгиси кичиги, «катта қовурдоқ»ни чилласи чиқар-чиқмас, ёки бешик тўйида оборасизлар...

- Илоҳим, бизга ҳам қўша-қўша набиралар кўриш насиб этсин. Лекин ҳеч қачон бугунгидек исрофгарчиликка йўл қўймайман. Қанча ноз-неъматлар увол бўлди-я. Тоғораларимиз тўла бориб, тўла қайтди.

- Ҳа, майли бунча куйинманг, ўзингиз айтгандек, бизни ўша кунларга етказса, тўйхашамларимизни камтарона, чиройли қилиб ўтказамиз. Жиянчалар муборак бўлсин, катта йигит бўлсин. Бугунги қовурдоқни менсиз еб келганингизни кечирдим, каттасига айтмасангиз, кўздек қўшниман, хафа бўламан, билиб қўйинг!

- Вой, ҳазилингиз бор бўлсин, шунча гапдан кейин яна қовурдоқ дейсизми. Эртага уйга чиқинг, ўзим сизга қовурдоқ қилиб берай, овсинжон.

- Нима муносабати билан айланай?..

Қўшниларнинг суҳбатини оққа кўчирувчи М.ҚОСИМОВА.

ТАҲРИРИЯТДАН: Миллий урф-одатларимиз моҳиятини аввало ўзимиз чуқур англаб етишимиз, энг муҳими, улғайиб бораётган фарзандларимизга етказишимиз керак. Биз уларга шундай ўрнак кўрсатайликки, келажакда уларга ота-оналаримиз бу маросимни нима учун адо этган эканлар, деган савол қўндаланг бўлмасин. Бу хусусда сиз нима дейсиз, азиз ўқувчи?

● СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН МАВЗУ

СИЗ ФУҚАРОСИЗ...

(Давоми. Боши аввалги сонда.)

Саволларга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги «Наврўз» оила-никоҳ маросимлари маркази директори З.Акромхўжаева жавоб беради.

Савол: - Фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш учун қандай ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим? Фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш дафтарига қандай маълумотлар ёзилади?

Жавоб: - Туғилганликни қайд қилиш Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 206-моддаси қоидаси билан тартибга солиниб, унда боланинг туғилганлигини қайд этиш учун асос бўладиган ҳужжатлар тақдим қилиш белгиланган. Булар жумласига:

а) ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар бола дунёга келган тиббий муассасаси томонидан унинг туғилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжат;

б) ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар боланинг туғилишида ёрдам кўрсатган ёки у мурожаат қилган ёки тиббиёт муассасасида бўлмаган ҳолда хусусий тиббий амалиёт билан шуғулланаётган врач томонидан берилган ҳужжат;

в) тиббиёт муассасасидан ташқарида ёки тиббиёт ёрдами кўрсатмасдан бола туғилишида иштирок этган шахснинг боланинг туғилганлиги фактини тасдиқлаши ҳақидаги аризаси;

г) боланинг туғилганлигини тасдиқлаш ҳақидаги ариза беришда туғилган боланинг ота-онаси ҳар иккаласининг ёки улардан бирининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни ёки боланинг туғилишида иштирок этиб, уни тасдиқлаб ариза бераётган камида 2 та фуқаронинг ваколатини, шахсини тасдиқловчи ҳужжатини, фуқаролик ҳолати актини қайд қилиш учун зарур бўлган маълумотларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни тақдим қилиши лозим.

Савол: - Туғилганлик фуқаролик ҳолати актида қандай маълумотлар ўз ифодасини топиши лозим?

Жавоб: - Боланинг фамилияси, исми, отасининг исми, жинси, туғилган болалар миқдори ва жойи, вақти, боланинг туғилганлик вақтини тасдиқловчи ҳужжатларнинг номи. Боланинг ота-онасининг хоҳишига мувофиқ гувоҳномага уларнинг миллати ҳақидаги маълумотлар ҳам ёзилади. Кўрсатилганлардан ташқари фуқаролик ҳолати акти ёзувида қайси ҳужжатларга асосланиб дафтарга ва гувоҳномага отаси ҳақида, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳақидаги маълумотлар ёзилганлиги кўрсатилиши лозим.

Агар бола медицина муассасасидан ташқарида, хусусий медицина амалиёти билан шуғулланаётган шахс иштирокида туғилса, у бераётган аризада шахснинг фамилияси, исми, турар-жойи ва туғилган вақти ҳақидаги маълумотлар ҳам кўрсатилиши лозим.

Бундан ташқари боланинг туғилганлик ҳолатини қайд қилиш дафтарида боланинг туғилганлиги ҳақида хабар берган (идора, орган) ташкилотнинг юридик манзили, болага берилган туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг серияси ва тартиб рақами кўрсатилиши зарур.

Савол: - Деярли ҳамма ҳолларда фуқаролик ҳолатини қайд қилиш дафтарига боланинг туғилганлиги ҳақидаги хабарни, ҳамда маълумотларни унинг ота-онаси беради. Боланинг туғилганлиги ҳақида унинг ота-онасидан ташқари хабар бериши мумкин бўлган қандай бошқа ташкилотлар бўлиши мумкин?

Жавоб: - Янги туғилган бола ташлаб кетилган ёки бирор шахс томонидан топиб олинган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ички ишлар идоралари васийлик ва ҳомийлик органлари (ҳокимиятнинг соғлиқни сақлаш ёки маориф бўлимлари), тарбия муассасалари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари боланинг ота-онаси маълум бўлмаганда, ташлаб кетилган болани давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида хабар беришлари зарур.

Бундай хабар амалдаги қонунчиликка мувофиқ бола топиб олинган, аниқланган вақтдан, кундан кечиктирилмасдан қилиниши лозим.

Давоми бор



Маҳаллада суҳбат

● ОҚСОҚОЛ ДЕГАНИ...

Бухоро

ИШ БИЛГАНГА ОБРЎ КЕЛАДИ

- Маҳалламиз аҳли узоқ йиллардан буён Раҳмон ака Тўхтаевдек киши фуқаролар йиғинига раис бўлишини орзу қилиб келарди, - дейди Ғиждувон шаҳридаги Нодирабегим маҳалла фуқароси, 2-гуруҳ ногирони Меҳриддин Норов.

- Туман қишлоқлари, айниқса шаҳар маҳаллаларидаги ўзгаришлар, ободончиликларни кўриб, ҳавасимиз келарди. Тўғри, олдинги раислар ҳам қўл қовуштириб турмаган, ишларди. Лекин халқимизнинг якка отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас, деган гапи бор. Раҳмон ака раис бўлиб сайланган кундан бошлаб, у тадбиркор, ишбилармон, фаол маҳалладошлар билан ҳамкорлик алоқасини йўлга қўйди.

Натижада тадбиркорлардан Рустам Пайзиев, Исмоил Солиев, Ризо Остонов, Саъдулло Остонов ва бошқалар ўзларини раисга яқин тутдилар, маҳалланинг фаол кўмакдошларидан бирига айландилар.

Ўтган йилнинг декабр ойида бўлиб ўтган сайловларда Раҳмон ака Тўхтаев кўпчилик овоз билан халқ депутатлари туман Кенгашига депутат этиб сайланиши эса маҳалладошларнинг унга бўлган ҳурмат ва ишончи рамзидир. Шаҳарликларнинг кўпчилиги маҳаллага кирадиган йўл бузилиб, яроқсиз ҳолга келиб қолганлигини яхши билишади. Раис бошчилигида ана шу йўл текисланди, асфальт бостирилди.

Йўл ёқасида тўртта ахлатхона бўларди. Ким нимани хоҳласа, шу жойга чиқариб ташлар, атроф-муҳит чиқиндиларга тўлганди. Ахлатларнинг шаҳардан ташқарига, махсус жойларга ташиш муаммоси ҳам маҳалла раисининг елиб югуриши билан ечилди-қолди.

Шаҳардаги М.Ашрафий, Нодира кўчаларини ажратиб турадиган ариқ анчадан буён ифлосланиб ётган, кўприги бутунлай яроқсиз ҳолга келган эди. Ҳашар йўли билан ариқ тартибга келтирилди, кўприк қайта қурилди.

Маҳалла аҳлининг 8 турдаги халқ истеъмол моллари билан доимий таъминотини ҳам маҳалла ўз назоратига олган. Айниқса ун ва ун маҳсулотлари билан аҳоли эҳтиёжини қондириш қаттиқ назоратга олинган.

Қисқа давр ичида маҳалладошлар оқсоқол обрў-эътиборини юқорига кўтариб юборишди. Нафсиламрни айтганда, обрў-нуфузининг ошиб кетишига биринчи галда Раҳмон оқсоқолнинг ўзи «сабаб»чи.

Абдуҳалим ПРИМОВ, «Mahalla» мухбири.

Сирдарё

САВОБЛИ ИШНИ ҲАММАМИЗ, ҲАР КУНИ ҚИЛАЙЛИК!

Янгиер шаҳридаги Чаманзор маҳалласи аҳлининг қарори ана шундай.

ТЎЙЧИ МАҲАЛЛА

Ана шундай эзгу ният қалбларига жо бўлган шаҳримизнинг Чаманзор маҳалласида яшовчи фуқаролар яқинда яна бир савобли ишга қўл урдилар. Улар ҳозирги моддий қийин бир шароитда вилоят кўзи ожизлар жамияти аъзолари фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиб беришга аҳд қилдилар. Кенгашли тўй тарқамас, мақолига амал қилган чаманзорликлар маҳалла оқсоқоли Элмурод ҳожи Хожимурод ҳожи ўғли ташаббусини маъқуллашди. Маҳалла аҳли ушбу тадбирда ҳамжиҳатлик билан қатнашишга келишиб олди.

Қалби саховатга тўла инсонлар: Исоқ ҳожи Худоёров, Аҳмаджон Олтинбоев, Холиқул Қўшбоев, Турғун Бектўраев, Алиқул Фармонов ва Рустам Боқиевлар салмоқли хайр-эҳсонлар қилишди. Бўлиб ўтган тўйда маҳаллада яшовчи 4800 нафар турли миллатга мансуб фуқароларнинг каттаю-кичиги иноқлик билан иштирок этишди.

Савоб ишга ҳамма даҳлдор бўлди. Маҳалла оқсоқоли Элмурод ҳожи Хожимурод ҳожи ўғли, маҳалла котибаси Мавлуда Жўраева, вилоят кўзи ожизлар жамияти котиби Нишонбой Маткаримов, азиз онахонлар Хурсанд ая, Ўғилжон ая, Шоҳиста аялар, маҳалла посбонлари сардори Турсунбой Ражабалиев 6 нафар ёрдамчилари билан тадбирни қўнгилдагидек ўтказиш учун елиб-югуришди.

Тўйболалардан Илҳомжон Холиқбердиев, Тоиржон Сатторовларнинг қўлларини ҳалоллашда қўли енгил шифокор Анвар Усмонов ўз касбдошлари билан хизматда бўлишди.

Усмон МАҲМУДОВ.

Қорақалпоғистон

«KOMSTA» МУОЛАЖАСИ

Қорақалпоғистонлик корейс миллатига мансуб фуқаролар уюшмаси ташаббуси билан Жанубий Корея республикаси билан ўзаро алоқалар ва ҳамкорлик тобора ривожланмоқда. Яқинда уюшма ташаббуси билан Оролбўйига келган Сеуллик бир гуруҳ шифокорлар беш кун давомида Нукусда бўлишди. Улар шаҳардаги 1-поликлиникада экологик нохуш вазиятдан азоб чекаётган минглаб беморларни бепул даволади. Хайрли иш учун сарфланган 70 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ «KOMSTA» (Жанубий Кореянинг хорижда тиббий ёрдам кўрсатиш жамияти) томонидан сарфланди.

- Эндиги мақсадимиз Нукус шаҳрида махсус клиника ташкил қилиб, беморларни корейс халқ табобати усулида даволашдир, - дейди Қорақалпоғистондаги Корейслар Уюшмаси раҳбари Зоя Яковлевна Тен.

А.ИСКАНДАРОВ.

● КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Фикр-мулоҳаза

БАРЧАГА БИРДАЙ ЗАРУР

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув қўлланмаси муаллифи» республика танловига тақдирилган адабиётлар рўйхатида Гузарбоши маҳалласи фаолларидан А.Абдусаматов Р.Зияев, Б.Акбаровлар ҳам бор.

Ўзининг педагоглик, илмий фаолиятидан вақт топиб, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келаётган профессор Абдулатиф Абдусаматовнинг ўрта мактаб, академик-лицей, касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига мўлжалланган янги кимёдан тестли савол ва масалалар тўплами маҳалладошларнинг эътиборини тортди. Республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасида замон талабига жавоб берадиган янги ўқув адабиётларни яратишга бағишланган ушбу асарни холисона қўллашни ўзларининг бурчлари деб билган ҳамкасблари ушбу тақризни тақдим этдилар.

Ўқув қўлланма ўрта мактабларнинг кимё фани ўқув дастурига мос келади. Бу қўлланмада дастур асосида кимё (умумий, анорганик, органик кимё) фанининг барча бўлимлари бўйича савол ва масалалар тест асосида ёзилган, сўнгра уларнинг калити, баъзи намунавий масалалари ечими тўлиқ берилган.

Ҳозиргача академик лицей, касб-ҳунар коллежлари учун тест бўйича мактаб дастурини ўз ичига қамраб оладиган мукаммал, алоҳида ўқув қўлланма яратилмаган эди. Шу сабабли, ҳозирги кунда ушбу китобда умумтаълим мактаб ва лицейларнинг юқори синф ўқувчилари учун «иккинчи дарслик» сифатида тўлиқ фойдаланиш мумкин.

Қўлланма олий ўқув юртига кирувчи абитуриентлар учун ҳам жуда фойдали бўлиб, ёш авлоднинг кимё фанини тест асосида чуқур ўзлаштиришлари, амалий ишларни бажара оладиган кўникма ва малакага эга бўлишлари учун мустаҳкам замин яратади.

Қўлланмада нафақат ўқувчилар, балки кимё фанининг сир-асрорларини уларга етказиб берувчи ўқитувчилар ҳам фойдаланмоқлари вожиб. Мазкур қўлланмада биз ўз иш фаолиятимизда, яъни 1998-2000 ўқув йилларида тўлиқ фойдаландик ва кимё фанидан ўқувчиларимизда пухта билим кўникмалари ҳосил қилишда яхши кўрсаткичларга эришдик. Китоб соддадан мураккаблик асосида тест савол ва масалалар тўплами қабилида тузилган бўлиб, у ўқитувчи ва ўқувчиларни ўз малакаларини мустақил оширишига қўл келади.

Асарни таҳлил этиб, замон талаблари даражасида ўқиш ва ўқитиш ишлари олиб боришда, янги технологик жараённи жорий қилишда, Давлат таълим стандартлари талабида ишлаш, ўқувчиларни рейтинг тизими бўйича баҳолашда ушбу қўлланма энг яқин кўмакчи бўлишига иқрор бўлдик. Уни йилнинг энг яхши ўқув қўлланмаси сифатида баҳолаб тест бўйича зарур қўлланма бўлганлиги сабабли қайта нашр қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ш.ҒАНИЕВ.
Тошкент вилояти, Қибрай тумани Амир Темур номли 25-лицей мактабнинг директори.
У.ЭРГАШЕВ.
Олий тоифали кимё ўқитувчиси.

Нондек азиз бўлайлик

● ГАП ОРАСИДА ГАП

КЎЗОЙНАК ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН

Кўзойнак ҳозирги кўринишида Италияда XIII асрдан тарқала бошлаган. Дастлаб ундан котиблик қилувчи роҳиблар фойдаланишган.

Бироқ... Швециянинг Скане вилоятидаги мўъжазгина бир черков деворидан апостол Матфей кўзойнак билан тасвирланган сурат топилди. Текширишлар бу сурат XII асрга мансублигини кўрсатди. Демак, кўзойнак XIII асрда эмас, балки ундан юз йил аввал кашф қилинган экан.

***

Зеро кўзойнак кўп асрлик тарихга эга. Рим ёзувчиси Сенека Қадимги Римда кишининг кўришини тиниқлаштиришга ёрдам берадиган махсус мослама бўлганини эслатиб ўтади. Жамиятнинг олий табақа кишилари йўнилган махсус қимматбаҳо тошлардан фойдаланганликлари ҳам маълум.

Император Нерон гладиаторлар урушини зумрад тош орқали томоша қилишни яхши кўрган.

Сальвано Армати деган шишасоз 1285 йили қимматбаҳо тошдан иккита линза ясаб, кўзга тўғри келадиган қилиб бош кийимга осиб қўйди. Ана шу линзалар инсоният тарихидаги биринчи кўзойнак эди.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

● БИЗДА МУАММО БОР

ЭСКИ «АШУЛА»ДАН ЭШИТАСИЗМИ?

Фельетон

Ҳа, ҳа, шунақа, яна ўша эски ашула, сўзлари, мунгли ва талабчан куйи ҳам ўша-ўша. Фақат унинг қаҳрамони ўзгарган, холос.

Яъни йигирма йил мобайнида Юнусобод даҳаси, 14-мавзесидаги Шодлик кичик маҳалласига қарайдиган уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси раҳбари 15 марта алмашди. Муаммолар эса қимир этмай қолаверди. Масалан, хонадонлардаги сув қувурлари занглаб тамом бўлган, иссиқлик қувур ва батареялари ичи тўлиб ётибди. Бизга қувурларни коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ҳисобидан янгилаб беришни ваъда қилишганди. Билсак, бу бор-йўғи ваъда экан, 1989 йилда ўрнатилган техникадан ҳалигача фойдаланилмоқда. Фуқаролар хонадонларни хусусийлаштириб олишгач, уларни таъмирлаш вазифалари яна ўлда-жўлда қолиб кетди.

Мана, ҳозирги саратонли кунларда юқори қаватдаги хонадонларга сув чиқмай ҳам қолди. Аммо бу сувсизликдан эмас, акс ҳолда ертўлаларни сув босиб, чивинхона бўлиб ётармиди? Баъзи томлар тешик, чакки ўтиб ётса-да, уни созлаб қўйишни на уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси, на ўзимизга қарашли 9-сонли ЖЭУ раҳбарлари ўйлашади.

Хуллас, нимасини айтасиз, ўн йиллик ашуламизни айтиб, томоғимизни хирилатиб юрибмиз-да-е!

Салом билан бир қатор «хушовоз фуқаро»лар номидан

Чингиз МАҲСУМОВ, Юнусобод даҳаси, 14-мавзе, 19-уй бошиси, уруш ва меҳнат фахрийси.

ОЛАМДА ГАП КЎП

АФИНА

Грециянинг Эвбея ороли яқинида юк ташувчи кема ҳалокатга учраб, катта экологик муаммо юзага келди. «Еврабелкер 10» кемасидаги 700 тоннадан зиёд нефт сувга тўкилди. Натижада денгизда улкан қора доғ пайдо бўлди. Нефт борган сайин ёйилиб бораётир. У ўн километргача чўзилиб, ҳатто Афина шаҳри соҳилларигача етиб келди.

Экологик офатни бартараф этиш учун савдо флоти вазирлиги ва соҳил полициясининг керакли чора-тадбирларни кўраётир. Уларга экологик ташкилотлар ҳамда маҳаллий аҳоли ҳам ёрдам бермоқда.

КИШИНЁВ

2002 йилда бу ерда асли молдовалик бўлган, ҳозир чет давлатларда яшаётган кишиларнинг биринчи конгресси бўлади. Бу ҳақда мамлакат президенти Петр Лучински махсус фармон чиқарди. Конгрессни ўтказишдан мақсад хориждаги молдоваликлар билан алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат. Фармонга кўра, ушбу масала бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳам тузилади.

Маълумотларга кўра, молдоваликлар Россия, Исроил, Украина, Қозоғистон, Беларус, Канада, АҚШ ҳамда Болтиқбўйи давлатларида кўп.

ЛОНДОН

БМТ дунёдаги турли қуролли можароларни бартараф этишда ўзининг тинчликпарвар операцияларини янада кучайтирмоғи лозим. Буюк Британия ҳукуматининг махсус қўмитаси Либерал демократлар партияси билан ҳамкорликда тайёрлаган маърузада шу фикр қайд этилган. Шунингдек, Буюк Британия ҳукумати БМТ Хавфсизлик кенгаши таркибини кенгайтириш, унга Германия, Япония, Лотин Америкаси, Африка ва Осиё давлатларини ҳам доимий аъзо қилиш таклифини илгари сурди. Мазкур ҳужжатда таъкидланишича, БМТ тинчликпарвар кучларининг турли давлатлар билан ҳамкорлиги етарли даражада самара бермаётир.

БУХАРЕСТ

Бу ерда Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо уч давлат - Молдова, Россия ва Руминия ташқи ишлар вазирлиги вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, бошқа минтақавий ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш масаласи муҳокама этилди. Шунингдек, йиғилиш қатнашчилари ташкилотга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг 20 октябр куни Бухарестда бўладиган учрашуви кун тартибини кўриб чиқди.

ҚОҲИРА

Фаластин раҳбарияти 13 сентябр куни мустақиллик эълон қилиши даргумон. Фаластин озодлик ташкилоти сиёсий департаменти бошлиғи Фарруҳ Каддумий шуни қайд этди. Токи Исроил-Фаластин тинчлик музокараларида бирор муайян ечим топилмас экан, 13 сентябр куни кутилаётган воқеа юз бермайди, деди у.

Унинг таъкидлашича, Ёсир Арафот БМТнинг Нью-Йоркда бўладиган Миллий йиллик саммити чоғида яна Исроил Бош вазири Эҳуд Барак билан учрашиши мумкин.

БОГОТА

Колумбияда «Тинчлик ҳафталиги» бошланди. Мамлакат аҳолиси Колумбия инқилобий қуролли кучлари ва «Парамилитарес» гуруҳларидан қуролли можароларга чек қўйишни талаб қилмоқда. Биз зиддият иштирокчиларини тинчлик ҳафталигида қон тўкишни тўхтатишга чақирамиз, деди «Редепас» жамоат ташкилоти раҳбари Ана Тереса Барбел. Мазкур тадбирни Колумбиянинг юздан ортиқ нодавлат ташкилотлари қўллаб-қувватламоқда.

Қирқ йилдан буён давом этиб келаётган қуролли зиддиятлардан асосан тинч аҳоли азият чекяпти. Одам ўлдириш ёки гаровга олиш каби жиноятлар борган сайин кўпаймоқда. Ўтган ҳафтанинг ўзида жангариларнинг ҳарбий базага қилган ҳужуми чоғида 84 киши, шунингдек, 24 нафар ҳарбий ва полициячи ҳалок бўлди.

ПАРИЖ

Франциянинг Гавр шаҳрида «Тотал» компаниясига қарашли нефтни қайта ишловчи заводда ёнғин чиқди. Уни ўчириш учун роса 18 соат вақт кетди. Гувоҳларнинг айтишича, ёнғин завод биносидаги кичик портлашдан келиб чиққан. Портлаш сабаби ҳозирча номаълум. Воқеа кечаси содир бўлгани боис ёнғин ҳеч кимга зарар етказгани йўқ.

ЖИБУТИ

Мустақил давлат сифатида тан олинмаган Сомалиленд ҳукумати Сомали парламенти аъзоси Гарад Абшер Салахни ҳибсга олди. Г.А.Салах Сомалида тинчлик ўрнатиш бўйича ўтказиладиган анжуманда қатнашиш учун Бербер шаҳрига келганди. У самолётдан тушиши биланоқ қўлга олинди. Сомали шимолида жойлашган Сомалиленд давлати раҳбариятининг билдиришича, анжуманда иштирок этмоқчи бўлган ҳар қандай фуқаро ватан хоини сифатида қамалади.

ЎзА.

АХЛОҚИНГДАН СЕЗУРЛАР

● ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

27. ФИТНАНИНГ ОХИРИ ВОЙ

Оллоҳ ер юзида одам зотини пайдо қилибдики, фитначилар ҳам бўлган. Улар ҳар қандай балоларга, тўпалонларга сабабчи бўлиб келишган. Ана шу иймонсизлар туфайли азизу авлиёларнинг, шоҳу гадоларнинг, олиму уламоларнинг бошлари танидан жудо қилинган.

Катта-катта урушлар, мана шу фитналар сабаб, бошланиб кетган. Жигарларни бир-биридан жудо қиладиган, дўстни-дўстдан айирадиган, жамоалар ўртасига низо соладиган, бир аҳил миллат ёки дин аҳлларининг бўлиниб кетишларига сабаб бўладиган ҳам мана шу фитна ва уни чиқарувчи худосизлардир. Ҳа, бундай одамлар ҳақиқатдан ҳам худосизлардир. Худони таниса, Оллоҳдан қўрқса, шу ишни қилармиди? Турли тоифадаги, ақл ва фаросатдаги инсонлар бор. Ана шуларнинг тушунмай, бефарқ туришларидан фитначилар фойдаланиб қолади. Бизнинг бошимиздан 70 йилдан ортиқ вақт динсизлик даъват балоси, офати ўтди. Мана энди секин-аста ўзлигимизни билиб, ақл эгалари, илм эгалари кўпайиб бормоқда. Ақл билан, фикр билан, қайси йўл ҳақ эканлиги танилиб, кишилар онгига сингдирилиб бориляпти. Тўғри, тан олишимиз керак, мана шу бугунги қийин ўтиш, ислоҳотлар даврида одамлар секин-аста йўлга тушиб келаётганда, Йўлбошчимиз атрофларига фуқароларни бирлаштириб, ҳамжиҳатликка чақириб турганларида на ташқарида, на ичимизда фитна чиқишига ҳеч ҳам йўл қўймаслигимиз керак.

Иймон, эътиқоди кучли одам барча ишга қодир. Лекин ҳали иймони суст, ғўр, энди эътиқод қилиб келаётганларга жуда катта юкни юклаб юборишлик, талабни қаттиқ қўйишлик керак эмас. Бундайларга сабр-тоқат билан, режа билан ҳидоят йўлини ўргатишимиз лозим. Токи бирданига «лов» этиб ёниб, чўчиб кетмасинлар. Фитна балоси ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Яқинда бир одам шундай савол билан менга мурожаат қилибдилар. Хатни шундайлигича тўлиқ келтирайлик. Ишончлироқ бўлади.

«Ҳурматли қори ака, биз сизни жуда ҳурмат қилиб келардик, ҳурмат қилиб ҳам келяпмиз-у, лекин баъзи гапларингиздан жуда хафа бўляпмиз. Бенамозга ҳам жаноза ўқитса бўлади, - деб юбордингиз», «Шу замонда ҳам шукур қилинглар, ношукур бўлманглар», - дедингиз. Ароқ ичиб юрганлар кўп, ўғрилар бор. Бузуқлар учраб турибди, дебди мактубнинг эгаси. Бу энди соддаликми? Ўтакетган тушунмасликми? Диёнатни яхши англамасликми? Билмадик. Аввало, одам бўлиб дунёга келганимизга шукур қиламиз. Оллоҳ бизни ақлсиз, ҳаром-ҳалолни фарқига етмайдиган, ҳайвонлар қаторида эмас, одамлар сафида яратибди-ку, шунга шукур қиламиз. Ҳеч ким оч қолаётгани ҳам йўқ, шунга шукур қиламиз-да. Биз беадад шукурлар қилиб юрсак арзийди. Атрофимиздаги мамлакатларга қаранг, на уйда, на кўчада орзу-ҳавас бўлади. Оллоҳ юртимизга, бу ёғига ҳам яхши неъматларидан зиёда қилиб берсин. Ароқ сотган ҳам, уни ичиб юрганлар ҳам жавобини ўзи беради.

Энди бенамозга жаноза ўқишга келсак, бу менинг сўзим эмас, мен ўзимни фикримни сизларга тиқиштирмайман, бунга ҳаққим йўқ, Ҳадисдан, оятдан келтириб, шундан чиқмаган ҳолда гапирамиз. Оллоҳ таоло «Сулҳ яхшидур» дейди, мен шунга амал қилган домланман. Фитна бошқа бир қанча балоларни келтиради. Юртбошимизнинг куни кеча Олий Мажлисдаги маърузаларини, савол-жавобларини ҳаммамиз эшитдик. Урғуни хорижий матбуотда, фитна чиқаришга уринаётган ғаламисларга ишонмасликка, фитначиларга қарши одил туришга бердилар. Қандай қилиб бўлса ҳамки, фитна чиқармаслик керак. Энди ўша вафот этган, намоз ўқимаган одамни ким билади, бир ой уйида касал бўлиб ётдими, ўн кун ётдими? Оллоҳга илтижо қилиб йиғладими, «дод» дедими? «Намоз ўқий олмаганимни, гуноҳларимни кечиргин, Оллоҳ» деб нола қилдими? Буни ёлғиз Оллоҳ билан, унинг ўзи билади. Бизнинг олдимизга тобутда кўтариб, олиб келиб, «мусулмон эди» дейишдими, «Жаноза ўқимаймиз» дейишга ҳаққимиз йўқ. Биров иймон билан кетдими, иймонсиз кетдими, ёлғиз Оллоҳим билади. Ҳукм қилмоқлик фақат Оллоҳга. Бандасининг ҳукм чиқаришга ҳаққи йўқ. Хўп, «намоз ўқимаган одамга жаноза ўқимаймиз» дейлик. Бундан нима чиқади? Жанжал, тўпалон, дилозорликлар келиб чиқади, холос. Бундан ким ютади? Албатта динимиз душманлари ютади. Улар фитна чиқишини, мана шунақанги бўлиниб, жанжал кўтаришимизни кутиб турибди-ку, умуман, ким «Ла илаҳа иллоллоҳ, Муҳаммадун расулуллоҳ» деган одамни кофир дея олади. Қулоғига азон айтилган, суннат қилинган, ота-буваси тақводор ўтган, намозхон ўтган, буниси энди ҳали айтганимиздек, намоз ўқимаган, ким бу мархумни «кофир» деб айта олади? Кимнинг ҳаққи бор, бундай мақом беришга. Қани бирор ҳужжати борми, кофир дейишга. Агар шундай бир лақма фаросатда юрадиган бўлсак, яхши бўлмайди. Шуни эсдан чиқарманг. Одамлардан, қамчидан қўрқиб ўқилган намоздан минг карра, миллион карра қалбидан, Оллоҳга муҳаббат билан ўқиладиган намоз афзалдир. Ихлос билан Оллоҳнинг буйруғини бажариш қаерда-ю, хўжа кўрсинга қилинган ибодат қаерда? Шунинг учун ҳукм чиқарманг. Вужуди билан намоз ўқийдиганлар бор. Энди «дунёда кофир бор экан, мунофиқ бор экан», - деб шукур қилмаймизми? Оллоҳни у билмаса, биз шукур қиламиз, чунки биз таниймиз Оллоҳни. Биз ҳамду санолар айтамиз.

ШУУРИМИЗ ҚАЙРОҒИ



Меҳнат сурури ва ғурури

● ТАРИХДАН ТАРИҚДЕК

А.ХАЙИТМЕТОВ

НОЁБ ФИКРДОШЛАР

Шарқ адабиёти, хусусан форс-тожик шеърияти билан Европада биринчи бўлиб энг яқиндан шуғулланган, бу ҳақда гўзал фикрлар билдирган, ҳатто унинг улуғ намоёндаларига издошлик қилишга интилган шоир Иоганн Вольфганг Гёте (1749-1832) бўлган эди, - десам хато бўлмас.

Унинг «Ғарб-Шарқ девони» бунга ёрқин далил. У мумтоз форс шоирлари ижодининг ич-ичига кирган ва уларнинг асарлари юзасидан ўз даврида ҳеч ким айтмаган фикрларни изҳор этгани кишини ҳамон ҳайратга солади.

Масалан, у «Ғарб-Шарқ девони»га битган шарҳларида Низомий Ганжавий (1141-1209) «Ҳамса»сига тўхталиб, бу асарнинг дунёвий мазмуни, унда тасвирланган бой табиий манзаралари тўғрисида қуйидаги мулоҳазаларни баён этган:

«Юришни давом эттирамиз ва унинг назари тасарруф қилган ҳамма нарсаларни белгилаб ўтамиз: тоғлар ва саҳролар, қоялар ва текисликлар, дарахтлар, ўтўланлар, гуллар, дарёлар, денгиз ва юлдузларга тўла осмон. Бундан биз Шарқ кишисининг онгига дунёнинг бутун ранг-баранглиги сингиб бораётганини тушунамиз». (Проблемы востоковедения» ж-ли, 1960, 3, 192 сах).

Лекин Низомий достонларининг конкрет ҳаётий тасвирларга бойлиги тўғрисида Гётедан уч юз йил бурун Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонида буюк завқ-шавқ билан қуйидаги сатрларни ёзганини ҳам биз унутмаслигимиз керак:

Чу машғул бўлдум тамошосиға,
Ўтуб водию тоғу дарёсиға...
Жаҳоне кўрунди кўзумга ниҳон,
Ниҳон балки ҳар байти ичра жаҳон.
Қаю гўшаким, нозир ўлдум даме,
Назирга эди жилвагар оламе.
Вале тоғининг тиғи ул навъ тез,
Ки кўк ҳам ўлуб, айлаб андин гурез.
Итикликта ҳар хора тоши анча
Камарда келиб дур боши анча.
Бўлуб лола қон, сабза тиғи ҳалок,
Гиёҳи доғи сарбасар заҳрнок...
Тўла ғорлар аждаҳойи дамон,
Дами ўйлаким аждаҳойи замон...
Яна даштининг сатҳи андоқ васеъ,
Ки етмай қирғоғига сарҳи сареъ...

Дунё достончилиги тараққиётига «Ҳамса»си билан беқиёс даражада катта ҳисса қўшган Низомий Ганжавий ижодига бир-бирларини ўқимасдан, кўрмасдан, турли даврларда Навоий ва Гётенинг бир йўсинда юксак баҳо берганликлари адабиёт тарихида камдан-кам содир бўладиган воқеалардан биридир.

Бегали отанинг хотини қазо қилиб, ҳаёти минг азобда қолди. Ўтган куни қурсин, минг бир азобда. Фарзандлар ҳам, улар измидаги келинлар ҳам бемеҳр. Биронтаси уйидан жой берса ҳам гўрга эди.

САККИЗ ЎҒИЛЛИ ОТА КЎЧАДА ҚОЛСА...

Ёлғиз яшаш нафақадаги чол учун анча оғир. Ҳаёт ширин, лекин ёлғизлик жуда ёмон. Айниқса кампири, суянчиғидан ажралганидан бери кўзига дунё тор.

Айниқса, Бегали отага ўхшаб катта давраларда, катта оилада, катта ташвишларга аралашиб юрган кишига жуда қийин бўлар экан. Бир куни катта ўғлиникига борди. Қаёқдан ҳам борди? Муомаласи дарвозадан қувиб солгандан баттар. Дунё кўзига тор кўриниб кетди, нима қилсин, ўзини ўзи ўлдирсинми. Жон кўзига ширин кўринди.

Бир куни бошини олиб чиқиб кетди. Қаёққа кетганини ҳеч ким билмади. Икки йил тентираб аллақаёқларда юриб, яна бир куни қайтиб келди. Маҳаллада Бегали ота пайдо бўлибди, деган гап тарқалди. Маҳалла раиси чолни етаклаб у ўғилникидан бу ўғилникига борди. Ҳеч қайси бири келинг бағримга демади. Орада нимага бунчалик совуқчилик пайдо бўлганини маҳалла оқсоқоли тушунмади. «Отанг тўнғиз бўлса, боғлаб боқ», деган нақлни ҳам эслатиб панду насиҳатлар қилди, лекин бўлмади.

Отахон у ёққа борди, бу ёққа борди, бўлмади. Қариялар уйига боришни ўзига эп кўрмади. Кунлар минг бир азобда ўтаверди. Охири бор-э деб бир эрдан чиққан хотинга уйланиб олди. Аввалги ғалвалар ҳам холва экан. Мажоронинг каттаси энди бошланди. Бу хотин тентак, бу хотин билан яшамайсиз, бу хотин билан дарров ажралинг деб даҒдаҒалар қилишди ўғиллар.

Ундай қилди бўлмади, бундай қилди бўлмади. Бир куни маҳалла оқсоқолининг олдига келиб, «Кечаси ўзимни ўлдирсам, уч-тўрт киши бўлиб бир бало қилиб кўмарсизлар» дея илтимос қилди.

Шубҳасиз оқсоқол, уни бу ниятидан қайтарди. «Сиз ўлган билан ер тўярмиди, ҳали ҳаётингиз яхши бўлиб кетади. Мен яна ўғилларингиз билан гаплашаман» деди. Уч-тўрт кун ўтиб Бегали ота яна келди. Оқсоқол унга ўғиллари билан бўлган суҳбатни айтди. «Хотини билан ажралса майли эгалик қиламиз» дейишибди. Майли деб бу хотиндан ҳам ажралди.

Дунёга келиб орттиргани шу саккиз ўғил эди. Молли - давлатли қилди. Бу дунёда нима топган бўлса шуларга берди. Борлиғини шуларга берди. Қаерда хатога йўл қўйди экан? Қаерда адашди экан? Сиз нима дейсиз азиз муштарий? Бегали ота қаерда хато қилди? Қаерда адашди. Нимани бермади экан уларга?

Эргаш ҲАСАНОВ,
маҳалла оқсоқоли.

Андижон

БАРАКА ТОПГУР ПОСБОНЛАР ЎҒРИНИ ТОПДИ

Автобусда бир аёл танишига гапириб қолди:

- Уйимни ўғри уриб денг, барака топгур маҳалла посбонлари уч кун жон койитишди. Топмай қўйишмади азаматлар! Телевизорим, бино қуришга сотиб олган ёғочларимни топиб уйимга келтиришди. Мана, посбонлар қанақа бўлиб кетишган...

Ўша «барака топган» маҳалла посбони Чинобод шаҳарчасининг Захкаш маҳалласидан Акромжон Тошмирзаев бўлади.

- Посбонимизни ёлғизлатиб қўймаганмиз, - дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мусаллибхон ака Тожиев, - унга маҳалламизнинг тўрт нафар йигитини ёрдамчи қилиб бириктириб қўйганмиз. Ўз навбатида бу тўртовлоннинг ҳам тўрт нафардан жами ўн олтита ёрдамчилари бор. Маҳалламиз кўчаларининг бошланишида уларнинг жам бўлишиб ўтирадиган масканлари бор. Биронта нохушлик бўлиб қолса, бу кўчадагилар шарпа беради. Қолган кўчадагилар дарров етиб келишади. Кечаси ярим кечагача ҳаммалари, қолган тунни эса навбатчилик билан ўтказишяпти. Аввало, посбонни маҳаллада қадр-қимматини юқори қўйганмиз, уни ҳурмат қилишга, гапини икки қилмасликка, катта-ю кичикни ўргатганмиз. Шунданми, посбонимиз бевақт тўпланишиб ўтирган йигит-ялангга «Бўлди, уй-уйингизга боринг!» дейиши кифоя. Дарҳол тарқалишиб кетади.

- Кундуз кунлари ёш болалар ҳам, маҳаллага келган нотаниш кишиларга кўз-қулоқлар. Сабаби, маҳалламиз кўчалари шаҳарчадаги одам энг серқатнов жойлардан, - гапга қўшилишди маҳалла посбони Акромжон Тошмирзаев, - айнан шу ёш болалар туфайли ҳам маҳалламиз тинч. Негаки, булар кимникида нима содир бўлаётганини ва маҳаллада қачон қанақа нотаниш киши юрганини жуда яхши эслаб қолишади. Ўша сиз автобусда эшитганингиз - ўғирлик воқеасини ҳам ҳақиқатан ўзимиз очганмиз. Болалар телевизор сотмоқчи бўлиб юрган одамни ва телевизорни «арзон» сотиб олган маҳалладошимизни яхши эслаб қолишган.

М.ОТАХОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

БИЗНИНГ ГАЗЕТА

- Бу қанақаси, - деди бирлашмамиз директори навбатдаги мажлислардан бирида. - Йўлнинг нариги бетидаги юз кишилик ташкилотнинг ўз газетаси бўлсаю, салкам минг кишилик бирлашмамизнинг нашри бўлмаса?! Зудлик билан бирлашма нашрини ташкил қилиш керак!

Бирлашма газетасини ташкил қилиш менинг зиммамга тушганлигидан енг шимариб ишга киришдим. Таҳририятга хона, машина, қоғозу штатлар ажратиш осон кўчдию, муҳаррир топишга анча қийналдим. Кечагина таҳририятларда корректорлик қилишга ҳам рози бўладиган дипломли журналистларни энди кундуз чироқ билан ҳам топиб бўлмайдиган замон келибди. Сўраб-суриштириб, журналистиканинг иккинчи курсида сиртдан ўқийдиган талабани топдим. Отанг яхши, онанг яхши деб ишга кўндиргунимча она сутим оғзимга келди. Мухбир бола ҳам анча ўткирлардан экан, тагимга битта машина ажратасизлар, деб шарт қўйди.

Газетамизнинг нишона сони чиққан куни қўй сўйиб, худойи қилиб юбордик. Ишчи-хизматчилар ўз газетамиз яхши деб, беш-ўнтадан қўлтиқларига қистириб кетишди.

Дабдабалар ортидан шапалоқдек газетамизнинг ўзига яраша ташвишлари чиқа бошлади. Дам қоғоз етмайди, дам босмахонага пул вақтида ўтмайди, дам у, дам бу. Сал бепарво қолсанг муҳаррир бола кетаманга тушади.

Газетамиз учун бирлашма балансидаги ягона автобусни ҳам қоғозга бартер қилиб юбордик. Бу орада иқтисодий ислоҳотлар туфайли бирлашма жамоаси тенг ярмига қисқариб кетди. Шовла кетса кетсин, обрў кетмасин деб, газетамизни чиқаравердик. Директоримиз машинасиз қолса, қолардики, муҳаррирнинг тагидаги машинага тегмасдик. Хуллас, бизнинг муаммоларимиз кўзгуси бўлиши шарт бўлган газетамиз муаммоларимиз манбасига айланди-қолди.

Тунов куни ишга келсам - тўполон! Газета чиқмай қолипти. Ҳамма ваҳимада: газета чиқмабди, бирлашма ёпилармиш! Муҳаррир болани шунча излаймиз, қани топилса. Йигитча қурмаҒурнинг сессияси бошланиб, ўқишга кетворган экан. Директоримизнинг ўзлари ҳамма ишини йиғиштириб, газетани чиқаришга тушиб кетди. Беш-олти бош мутахассислар биргалашиб, тунни тонгга уладик. Битта сурат чаппа кетганлигию, эллик саккизта имловий хатони ҳисобга олмаганда, газетамиз вақтида чиқди!

Муҳаррирсиз навбатдаги газетани чиқаришда анча қўлимиз келиб қолганига қарамай, директоримизнинг қон босими ошиб кетди. Мен эса тушларимда ҳам корректура ўқийдиган бўлиб қолдим.

Айтинг, айтинг, муҳарриримизнинг ўқиши тезроқ тугасинда!

Оллоёр БЕГАЛИЕВ.

Ибн ал-ЖАВЗИЙ

ИБРАТЛИ ҲИКОЯЛАР

ИБН АЛ-АББОС ҚАРЗИ

Ҳалифа Убайдуллоҳ ибн Аббос бир куни боғида дам олаётган пайтида ҳузурига қандайдир нотаниш одам кириб келди ва деди:

- О, Ибн ал-Аббос, сизга саломатлик тилайман! Шу бугун сиздан қарзимни қистаб келдим.

Убайдуллоҳ ибн Аббос умрида кўрмаган нотаниш одамнинг бу сўзига ҳайрон бўлиб сўради:

- Ҳуш келибсиз, эй меҳмон, қайси қарзни сўраяпсан?

- Ўтган йили сиз Зам-зам булоғи олдида турган эдингиз. Сув ичкингиз келиб қолди. Хизматкорингиз сизга пиёлада муздай сув тутди. Мен сизни ўз соям билан қуёш нуридан тўсиб турдим, - деди нотаниш одам.

- О, энди эсладим, - деди Ибн ал-Аббос. - Ростдан ҳам сендан қарздор эканман. Бу қарзимни қандай узсам экан, деб ташвиш чекиб юрган эдим. Ниҳоят қарзимни узадиган бўлдим, бугун мен учун саодатли кун экан!

Шундан сўнг Убайдуллоҳ ибн Аббос хизматкорига буюриб, минг дирҳам пул олиб чиқиб, ҳалиги кишига берди.

Нотаниш одам Убайдуллоҳнинг бу ҳимматидан ҳайратланиб, деди:

- Аллоҳга қасамки, ҳазрат Исроил авлодларидан сиздан бошқа ҳеч зот бўлмаганида ҳам, охиратда сиз билан фахрланса арзир эди. Аммо, ул зотдан яна ҳазрат Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаллам ҳам туғилгани мусулмонлар учун саодатдир!

Абул Фараж ИСФАХОНИЙ



Сафардан қайтиш

ЎЛГАНДАН КЕЙИН ҲАМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Шоир Асвадул Анасни бир қабилани мақтаб, қасида ёзгани учун тилла пул ўрнига беш юз мисқол зайтун мойи, чиройли идишлар, рўзғор буюмлари ва мушк-анбар билан рози қилдилар. Шоир Бану Омир қабиласи еридан ўтаётганида юкларимни бегоналар тортиб олмасин, деб қўрқди ва шу уруғдан бўлган Алқама ибн ал-Осдан:

- Мени ўз ҳимоянгга оласанми? - деб сўради.

- Хўб, сен шу лаҳзадан бошлаб менинг ҳимоямдасан, - деди Алқама.

- Одамлардан ҳам, жинлардан ҳам ҳимоя қиласанми? - сўради шоир.

- Одамлардан ҳам, жинлардан ҳам, - деди Алқама.

- Ногоҳоний ўлимдан ҳамми? - сўради шоир.

- Йўқ, - деди Алқама.

Шундан кейин шоир ал-Асвад Умар ибн Туфайл қошига бориб:

- Мени ўз ҳимоятингга олгин, - деб сўради.

- Хўп, шу лаҳзадан сен менинг ҳимоямдасан, - деди Умар ибн Туфайл ҳам.

- Одамлардан ва жинлардан ҳам ҳимоя қиласанми? - сўради шоир.

- Майли, одамлар ва жинлардан ҳам, - деди ибн Туфайл.

- Ўлимдан ҳам ҳимоя қила оласанми? - сўради шоир.

- Ўлимдан ҳам, - деди ибн Туфайл.

- Қандай қилиб? - сўради шоир.

- Агар қазойинг етиб, ўлсанг, бойликларингни қариндошларингга етказиб бераман, - деди ибн Туфайл.

- Сен ҳақиқий ҳомий экансан, мен сенинг ҳимоятингга ўтаман, - деди шоир ал-Асвад. Шундан сўнг у ибн Туфайлга мадҳия, қасида ёзди. Алқамани эса ҳажв қилди.

Алқама ибн ал-Ос шоирнинг мақсадига яхши тушунмагани ва унга паноҳ бермагани учун афсусланди.

Арабчадан Темур МУХТОР ва Маҳкам АНДИЖОНИЙ таржимаси.

MAHALLA га
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

обуна бўлиш учун ҳеч қачон ҳали эрта деб ўйламанг.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Олим БЕГАЛИЕВ

Саҳифаловчи:
А. ЮЛДАШЕВ

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-640

Топширилди—20.30